



SPIRITUAL SPACE IN THE CONTEXT OF SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS

Nazarjon Sharipov

Basic Doctoral Student (PhD Candidate)

Institute for Social and Spiritual Research

E-mail: nazarjon138@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: spiritual space, enlightened society, spirituality, philosophy, scope, national values, social life.

Received: 04.03.26

Accepted: 05.03.26

Published: 06.03.26

Abstract: This article analyzes the concept of spiritual space from a scientific and philosophical perspective. It explores the philosophical essence of spiritual space, its connection with human consciousness and spirituality, as well as its role in society and culture. The article examines the factors influencing the formation of spiritual space, in particular, issues such as values, beliefs, and spiritual heritage. It also analyzes the impact of spiritual space on a person's personal and social life, its importance in spiritual development and self-awareness. In conclusion, the article substantiates the relevance of preserving and developing spiritual space.

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ КОНТЕКСТИДА МАЪНАВИЙ МАКОН

Назаржон Шарипов

Таянч докторанти

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти

E-mail: nazarjon138@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: маънавий макон, маърифатли жамият, маънавийлик, фалсафа, кўламлик, миллий кадрлар, ижтимоий ҳаёт.

Аннотация: Мазкур мақолада маънавий макон тушунчаси илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Маънавий маконнинг фалсафий моҳияти, унинг инсон онги ва руҳияти билан боғлиқлиги, шунингдек, жамият ва маданиятдаги ўрни ўрганилади. Мақолада маънавий маконнинг шаклланишига таъсир

этувчи омиллар, хусусан, қадриятлар, эътиқодлар ва маънавий мерос каби масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, маънавий маконнинг инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига таъсири, унинг маънавий ривожланиши ва ўзлигини англашидаги аҳамияти таҳлил этилади. Мақола якунида маънавий маконни асраш ва ривожлантиришнинг долзарблиги асосланади.

ДУХОВНОЕ ПРОСТРАНСТВО В КОНТЕКСТЕ СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО АНАЛИЗА

Назаржон Шарипов

Базовый докторант

Института социально-духовных исследований

E-mail: nazarjon138@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: духовное пространство, просвещенное общество, духовность, философия, масштабность, национальные ценности, общественная жизнь.

Аннотация: В данной статье понятие духовного пространства анализируется с научно-философской точки зрения. Исследуется философская сущность духовного пространства, его связь с сознанием и духовностью человека, а также его роль в обществе и культуре. В статье рассматриваются факторы, влияющие на формирование духовного пространства, в частности, такие вопросы, как ценности, убеждения и духовное наследие. Также анализируется влияние духовного пространства на личную и общественную жизнь человека, его значение в духовном развитии и осознании своей идентичности. В заключение статьи обосновывается актуальность сохранения и развития духовного пространства.

Кириш. Бугунги кунда глобаллашув, тезкор ижтимоий ўзгаришлар ва мафкуравий курашлар шароитида жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда маънавий масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида адолат, инсон қадри ва маънавий юксалиш ғоялари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани маънавий омилларни чуқур илмий таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Зеро, маънавий жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этувчи, унинг ички барқарорлиги ва келажак йўналишини белгилаб берувчи асосий пойдевор ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, “маънавий макон” тушунчаси замонавий ижтимоий-фалсафий тафаккурда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у инсон, жамият ва давлат ўртасидаги маънавий-маърифий муносабатларни яхлит тизим сифатида англаш имконини беради. Маънавий макон инсоннинг онги, дунёқараши, ахлоқий қадриятлари, эътиқоди ҳамда ижтимоий фаолиятини қамраб олган кенг қамровли тушунча бўлиб, у муайян ҳудуд ёки жисмоний чегара билан чекланмайди. Аксинча, у жамият ҳаётида кечаётган маънавий жараёнлар, қадриятлар трансформацияси ва миллий ўзликни англаш билан узвий боғлиқдир.

Муҳокама ва натижалар. Бугун юртимизда олиб борилаётган одилона сиёсат бевосита маънавият билан боғлиқдир. Зеро, адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди [1:432].

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистоннинг янгича манзараси аввалам бор унинг маънавий оламида намоён бўлади. Маънавията эътибор бу миллат келажаги ва равнақиға берилган катта эътибордир. Маънавият миллат тараққиёти ва юрт қудратининг асосий омили ҳисобланади.

Тан олиб айтиш керакки, янгиланаётган Ўзбекистонда янгича ғоялар, аниқ мақсадлар ижодкори бўлмиш давлатимиз раҳбарининг “Янги маънавий макон” ғояси чиндан ҳам янги бир тарихий босқичнинг номига айланди. Жамиятдаги қадриятлар йўналишининг ўзгариш жараёни, миллий онгнинг юксалиши, миллатнинг маънавий хавфсизлиги ва миллий ўзига хослигини сақлаш муаммоси буларнинг барчаси маънавий маконни ўрганишни энг муҳим илмий йўналиш сифатида ажратиб кўрсатмоқда.

Хўш, маънавий макон ўзи нима? Унинг маъноси ва мазмуни қандай? Бу каби саволларга турли фан соҳалари турлича жавоб беради. Аввал луғат жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, бирикмадаги иккала сўз ҳам тилимизга араб тилидан ўзлашган сўзлар бўлиб, ўзбек тили изоҳли луғатида “маънавий” – маънавиятга оид, маънавият, ахлоқ билан боғлиқ; маънан каби маъноларни ифодалаши айтилган [11:565]. У кенг маънода инсоннинг ички дунёси, унинг ахлоқий қадриятлари, эътиқоди, руҳий кечинмалари ва ижтимоий муносабатларини белгиловчи тушунчадир. Маънавийлик халқнинг тарихий мероси, миллий анъаналари, диний эътиқодлари ва замонавий жамиятнинг талаблари асосида шаклланади. Маънавийлик моддийлик билан доимо уйғун туради. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Моддийлик ва маънавийлик бир-бирига қарама-қарши томонлар (антитез) бўлмасдан, улар бир-бирга ўзаро таъсир қилувчи ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ижтимоий ривожланиш омилларидир. У ёки бу халқ маънавиятининг шаклланиши, шу халқнинг яшайдиган табиий-иқлимий шароитлари,

уларнинг у ёки бу даражада ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади [3:388].

“Макон” сўзи ўзбек тили изоҳли луғатида вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирувчи, материянинг масофа ва ҳажм билан белгиланадиган асосий объектив яшаш шакллари билан бири; тураржой, яшаш жойи, маскан, ватан; бирор нарса тўпланган ёки кўп бўлган жой, кон каби маъноларда берилган [11:531].

Макон тушунчаси фалсафада кенг баҳсли мавзу бўлиб айрим адабиётларда макон айримларида эса фазо тарзида тушунтирилади.

Анъанавий нуқтаи назардан макон тушунчаси инсоннинг яшаш ва мавжуд бўлиш муҳити бўлиб, унда инсон ҳаёт фаолиятининг муайян усуллари орқали ўзининг ўрнини, мувозанат ҳолатини топишга ҳаракат қилади.

Макон – бу инсон атроф-муҳит билан ўзаро алоқада идрок этишга уринадиган маънавий моҳиятдир. Макон ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг ўзига хослиги шундаки, у нуқтадан, жойдан бир зумда, бир вақтнинг ўзида маданий, ижтимоий ва табиий дунёнинг барча йўналишлари бўйлаб ёйилиш хусусиятига эга. Аниқроғи макон кўламлилиқ, бир жинслилиқ ва кўп ўлчовлилиқ каби хоссаларига эгадир [10:264]. Иммануил Кант: “Макон – бу ташқи мушоҳада шакли, аммо ташқаридан мушоҳада қилиш мумкин бўлган ҳақиқий предмет эмас”, деб айтган [6:407].

Макон – бу бизнинг нарсаларни ён-атрофимизда жойлашган деб ҳис қилиш қобилиятимиздир. Унинг ўзи жисм эмас, балки биз дунёни қандай қабул қилишимизни белгиловчи туйғу ёки қолипдир. Бошқача айтганда, биз маконни кўрамиз, лекин ушлаб бўлмайдиган, кўз олдимиздаги жисмларнинг жойлашувини англашга ёрдам берувчи ақлий воситадир.

Ҳар бир инсоннинг макон ҳақидаги тасаввурлари ўзига хос ва улар инсон учун доимо қайтадан кашф этилади. Мартин Хайдеггер: “Маконни фақатгина дунёга мурожаат қилиш орқали англаш мумкин”, дейди [7, 111].

Маконий компонентлар фалсафий қарашлар ривожда доимо мавжуд бўлган. Уйғониш даври тарихни инсоният мавжудлигининг алоҳида макони сифатида ҳиссий билишга мурожаат этади. Бу даврда файласуфлар замонлар боғлиқлигини ангадилар, ўтган даврларга нисбатан тарих туйғусини топдилар ва ҳаммасини ягона маконий-тарихий оқимга боғладилар, бу эса тарих маконининг шаклланишига олиб келди. Ўтмишга бўлган бундай улкан қизиқиш инсон мавжудлигининг географик чегараларини кенгайтди ва “Буюк географик кашфиётлар” даврини келтириб чиқарди.

В. П. Семенов-Тянь-Шанский географик маконни ўзлаштиришнинг икки усули: биринчиси – кириб бориш, иккинчиси эса – забт этиш (босиб олиш) ҳақида гапирган. У шундай таъкидлаган: “Кириб бориш усули изларни ҳудудда эмас, балки инсоннинг маънавий ҳаётида, айниқса унинг тилида катта из қолдиради. Тинч йўл билан кириб бориш, кўп асрлик деҳқончилик колонизацияси, биринчи навбатда, қулай ва одатий тупроқларни ҳамда мос топографик шароитларни излайди” [8:24]. Кўриниб турганидек, тадқиқотчи антропологик компонентни анъанавий географик детерминизмга киритди ва шу орқали географик ҳудудларда инсон жамоаларининг маънавий ҳукмронлиги мавжудлигини кўрсатди.

Шундай қилиб инсоннинг ҳаёти табиий-географик ҳамда маънавий макондан иборатдир. Ижтимоий борлиқнинг замонавий маънавий макони муайян ҳудуд билан чекланмайди. У инсон, жамият, давлат қамраб олишга, ўз ичига сиғдиришга ва ушлаб туришга қодир бўлган нарсаларни акс эттиради. Қисқаси маънавий макон инсоннинг онги, тафаккури, дунёқараши, ахлоқий принциплари, қадриятлари, ҳаёт мазмунини англашга интилиши билан боғлиқ бўлган, унинг жамият ва борлиқ билан муносабатларини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ўрта асрларда макон эсхатологик (охират ҳақидаги) нуқтаи назардан кўриб чиқилган. У диний дунёқараш билан боғлиқ бўлиб, бу ягона социомаданий маконнинг пайдо бўлишига имконият яратди. Диний таълимотларда маънавий макон инсоннинг ички дунёси, унинг имон-эътиқоди, ахлоқий қадриятлари ва руҳий кечинмалари билан боғлиқ бўлган, диний қарашлар ва амаллар орқали шаклландиган, инсоннинг маънавий камолотига хизмат қиладиган тушунча сифатида қаралади. Монотеистик динлар инсониятга этник чегараланиш ва торликни енгиб ўтиш механизмини тақдим этди. Макон каби тафаккур тоифасининг чегаралари мутлақо янги сифат даражасига чиқиб кенгайди.

Маънавий макон таркиблашади. Унинг таркибида маданий, сиёсий, ижтимоий, географик, геосиёсий ва бошқа маконлар мавжуд. Ўзбекистоннинг маънавий макони кўп миллатли ўзбек халқи маданиятини ягона хилма-хил бутунликка бирлаштирувчи ва боғловчи миллий қадриятлари билан тавсифланади. У кўп миллатли ўзбек халқининг хўжалик фаолияти жараёнлари ва маданиятини, сиёсатни ва одамларнинг эътиқодини ўзаро боғлайди, уларни ривожлантиради ва ўзаро бойитади.

Маънавий макон бирикмаси янги атама бўлгани учун ҳам шу пайтгача чоп этилган бирорта луғат китоблари ёки энциклопедияларда у ҳақида маълумот учратмаймиз. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев илмий термин сифатида қўллаб шундай дейди: “Бугунги кунда биз мамлакатимизда инсон эркин ва фаровон яшайдиган

маънавий макон, маърифатли жамият куриш учун қатъият билан ҳаракат қилмоқдамиз. Қандай қийинчилик ва синовларга дуч келмайлик, шу мақсадда бошлаган барча ислохотларимизни, қабул қилган дастурларимизни изчил давом эттирмоқдамиз” [2:267].

Дарҳақиқат халқнинг эмин-эркин ва фаровон яшаши учун биринчи навбатда маънавий соҳадаги ислохотлар муҳим саналади. Маънавий соҳа эса маънавий ишлаб чиқариш (кенг маънода тушунилганда), унинг жараёни ва натижаларининг бирлиги бўлиб, у санъат, фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқий ва сиёсий онг, диндан иборат барча ижтимоий ходисаларни ўз ичига олади [3:389].

Ўзбекистонда яратилаётган маънавий маконнинг қисқа ва аниқ таърифини юртимиз раҳбари шундай келтиради: “Янги маънавий макон нима? Менинг назаримда, у – биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир” [2:276].

Ушбу таъриф Янги Ўзбекистоннинг маънавий ривожланиш йўналишини белгилайдиган бир қанча муҳим тушунчаларни ўз ичига олади:

Биринчидан, жамиятнинг маънавий макони ижтимоий ўзгаришлар ва модернизация жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси жамиятнинг янгича орзу интилишлари ва идеаллари билан белгиланади.

Иккинчидан, маърифатли жамият ғояси инсонпарварлик, адолат, эркинлик ва билимга асосланган жамият куришга интилишни англатади. Бу ғоя Ўзбекистоннинг маънавий ривожланиш йўналишини белгилайди.

Учинчидан, маънавий макон маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, жамиятнинг ўзига хослигини, анъаналарини ва қадриятларини ўзида мужассам этади. Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси миллий маданиятни ривожлантириш, анъаналарни сақлаш ва янги маданий қадриятларни яратиш орқали шаклланади.

Тўртинчидан, маънавий макон инсоннинг онгига, хатти-ҳаракатларига ва дунёқарашига таъсир кўрсатади. Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси фуқароларнинг маънавий юксалишига, уларнинг билим олиш, интилиши ва жамиятга фойда келтиришига йўналтирилган.

Маънавий макон ҳақида юртимиз олимларидан академик Оқил Салимов шундай дейди: “Янги Ўзбекистонда инсон омилини муқаддас қадрият сифатида юксалтириш, одамларни билимли, бахтли, эркин ва фаровон қилувчи маърифий жамиятни куриш механизми Президент Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу механизм инсоннинг маънавий-маърифий комиллиги, яъни ўзини ўзи узлуксиз ривожлантириб бориши, жамиятда ҳамжихатликда яшай олиши, бошқаларни ўзи билан тенг кўриши, куч

маданиятини эмас, балки меҳр, тинчлик ва яхшилик маданиятини бош қадрият сифатида англаши негизида амал қилади” [4:24]. Юқоридагиларга қўшимча қилиб яна билим, меҳнат ва ақлни маърифий жамиятнинг бош ўзаги бўлмиш маърифий камолотга олиб борувчи таркибий жиҳат ва улар ўзаро уйғунликда самарадорлик касб этишини ҳам айтиб ўтади.

Тарих фанлари доктори профессор Абдухалил Маврулов маънавий маконни шундай изоҳлайди: “Яна шу нарсани алоҳида таъкидламоқ лозимки, том маънодаги маърифатли жамият шу жамият ва алоҳида олинган фуқароларнинг ўз тафаккур тарзини такомиллаштиришга бўлган соғлом эҳтиёжларининг уйғунлашуви туфайлигина содир бўлади. Демак, маърифатли жамият – соғлом эҳтиёжлар уйғунлашган жамият ҳисобланади. Соғлом эҳтиёж эса янги маънавий маконда шаклланади” [5:301].

Бу тарифда жамият аъзоларининг тафаккурини юксалтиришдаги соғлом эҳтиёжлар маънавий маконнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида қаралмоқда. Соддароқ қилиб айтганда, маънавий маконда маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши инобатга олинган асосий масала ҳисобланади.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2023 йилги 4 сониди профессор Абдухалил Маврулов “Маърифатли жамият янги маънавий макон бағрида шаклланади” номли мақоласида маънавий маконнинг бир қатор асосий омилларини санаб шундай дейди: “Шундай қилиб, янги маънавий маконнинг асосий омиллари, биринчидан, маънавий-маърифий ишлар натижадорликка эришган, иккинчидан, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит қарор топган, учинчидан, давлат ва халқ ўртасида мустаҳкам ўзаро ишонч руҳи шаклланган, тўртинчидан, ижтимоий адолатдан иборатдир” [9:3]. Мақолада яна маънавий макон бағрида шаклланадиган маърифатли жамиятда яшайдиган инсонлар иродали, ватанпарвар, сиёсий маданияти бор ҳамда соғлом эътиқодли каби сифатларга эга бўлишлари ҳам айтиб ўтилади. Чиндан ҳам ушбу санаб ўтилган жиҳатлар маънавий комиллик ва барқарорликка олиб борувчи биз яратмоқчи бўлган маънавий-маърифий жамиятнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Маънавий макон таҳлили шуни кўрсатадики, инсон мавжудлиги маконга, унинг асл хусусиятларини сақлашга боғлиқ. Одамлар маконга маданият, сиёсат, хўжалик фаолияти ва табиат орқали таъсир кўрсатади. Инсон таъсири натижасида макон ё ўзининг табиий хусусиятларини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради, ёки тузилиш, яхлитлик, конфигурация, қайтарилувчанлик, барча йўналишларда (маданий, ижтимоий, табиий ва б.) бир вақтнинг ўзида ёйилиш қобилиятини ўзгартириб, бузилади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳалари маънавий маконда шаклланади ва ривожланади. Маънавий маконнинг моҳиятли асосларини қабул қилмаслик салбий жараёнларга ва инсон ижтимоий ҳаётининг формаллашувига, миллий маданиятимизга хос бўлмаган ёт қадриятларга йўналтирилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йулимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O‘zbekiston”, 2021. – 464 б.
3. Ahmedova M. Falsafa. – Т.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti”, 2006. – 496 б.
4. Салимов О. Ақл инновацияси. – Т.: “Маънавият”, 2022. – 104 б.
5. Маврулов А. Маврулова М. Маданият назарияси. – Т.: “Donishmand ziyo” нашриёти, 2023. – 352 б.
6. Кант И. Собр. соч. в 6 т. М., 1969. Т. 3. 508 с.
7. Хайдеггер М. Бытие и время. М., 1997. 312 с.
8. Семенов-Тянь-Шанский В. П. Географические соображения о расселении человечества в Евразии и о прародине славян. СПб., 1916. 273 с.
9. Маврулов А. Маърифатли жамият янги маънавий макон бағрида шаклланади. Янги Ўзбекистон газетаси. № 4 (793), 2023 йил 7 январь, 1, 3 бетлар.
10. Шермухамедова Н. Фалсафа: ўқув услубий мажмуа. – Т.: “NOSHIR”, 2012. – 1216 б.
11. Мадалиев А. таҳрири остида. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. –672 б.